



МИКРОКРЕДИТБАНК

Мамлакатимизда изчил амалга оширилган иқтисодий ислохотлар ўз самараларини бермоқда. Кўплаб давлатларда жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози оқибатларини юмшатиш борасида чоралар

изланаётган бир пайтда ўтган йили республикаимизда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 8,5 фоизни ташкил этгани бунга яққол мисол бўла олади. Бунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларининг ҳам муносиб ҳиссаси бор, албатта.

Айтиш жоизки, юртимизда муштаракликнинг дастлабки йилларида қўшма маънодаги мулкчилик асоси яратилиб, соҳага катта эътибор қаратилди ва бу борадаги ишлар босқичма-босқич олиб борилди. Бунда, айниқса, Президентимизнинг 2006 йил 5 майдаги “Микрокредитбанк” акциядорлик тижорат банкини ташкил этиш тўғрисида”ги Фармони ана шу ишларни жадаллаштиришда муҳим ҳужжат бўлди, десак, айна ҳақиқатни айтган бўламиз. Негаки, Фармонда белгиланганидек, “Микрокредитбанк” асосий эътиборни кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ҳамда фермерликни ривожлантириш, яққа тартибдаги меҳнат фаолиятини, оилавий бизнес ва касаначиликни фаоллаштириш йўли билан янги иш ўринлари яратиш, шунингдек, қишлоқ жойларда аҳоли кенг қатламларининг микромолиявий хизматлардан баҳраманд бўлишини таъминлашга қаратди.

Унинг беш йиллик фаолиятига назар ташлаган киши ўтган давр мобайнида бу борада диққатга сазовор ишлар амалга оширилганига гувоҳ бўлади. Хусусан, жамоада дастлаб республикамиз ҳудудларида тадбиркорлик субъектларига хизмат кўрсатиш учун қўшимча имкониятларни таъминловчи инфратузилма яратилиб, унинг филиаллари сони 82 тага, минибанклари 284 тага, агентликлари сони эса 20 тага етказилди. Шу тариқа мазкур молия муассасаси мутахассислари аҳолига замонавий хизматлар кўрсатиш, ишбилармонларга микросармоялар ажратиш билан бирга, тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш юзасидан тарғибот-ташвиқот ишларини олиб борди. Бу эса, ўз навбатида, микромолиявий хизматлар кўлами йилдан-йилга кенгайишига сабаб бўлди. Банк ташкил этилганидан буён кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига қарийб 350 миллиард сўм миқдорда микромолиявий хизматлар кўрсатилиб, 300 мингга яқин иш ўринлари яратилгани бунинг яққол исботидир.

Имтиёзли микросармоялар — даромад манбаи

Маълумки, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик — иқтисодий талабларига тез мослашувчи, ўзгарувчан бироз конъюнктураси учун бир-

мунча қулай соҳа. Шунинг учун бу субъектлар бугунги кунда иқтисодийнинг таянч кучига айланиб бормоқда.

дитбанк” мижозлари орасида Зиёҳиддин Ўсаров сингари оилавий тадбиркорлик билан шуғулланаётганлар бисёр. Уларнинг ташаббуслари туфайли оилаларга кут-барақа, даромад кириб, кўплаб кишилар ишга жалб қилинмоқда.

Бизнес-режа пухта бўлса...

Албатта, лойиҳани рўёбга чиқаришда фақат молиявий таъминланганликнинг ўзи етарли эмас. Бунинг учун, аввало, маблағни қайтариш имконига эга пухта бизнес-режа ҳам зарур. Шунини инобатга олиб, “Микрокредитбанк” кредит сиёсатида микросармоялардан

публикамининг турли жойларига етказиб бермоқда. Шу қишлоқлик яна бир тадбиркор — Қайом Каримов ясаётган рўзгор буюмлари ҳам туманда жуда машҳур. Ота темирчилик сир-асорларини ўғилларига ўргатиб келади. Яқинда эса ушбу ҳунарни ривожлантириш, уни бошқаларга ҳам ўргатиш мақсадида банкдан 1 миллион 800 минг сўм микросармоя олиб, кичик корхона ташкил этди.

Банк мижозлари шундай тадбиркорлар ҳисобига йил сайин кўпайиб бораётгани кувонарлидир. Муҳими, банк томонидан ўтган йилда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларига 214,8 миллиард сўм миқдорда кредитлар ажратилди. Жумладан,



«Микрокредитбанк»: МАҚСАД — СИФАТЛИ МАҲСУЛОТ ВА ДОИМИЙ ИШ ЎРИНЛАРИ ЯРАТИШ

оқилона фойдалана оладиган ишбилармонларни топиш ва улар билан ҳамкорликни йўлга қўйишга алоҳида эътибор қаратмоқда.

121,4 миллиард сўм миқдорда микромолиявий хизматлар кўрсатилди. Ушбу кредитлар ҳисобига 120 мингга яқин иш ўринлари яратилди.

га эса хорижда ҳам харидорлар бисёр.

— Банк кўмагида сотиб олган замонавий ускуна-миз барча иш жараёнини

обод чеварлари” корхонасида касб-хунар коллежларини тугаллаган 48 нафар қиз меҳнат қилмоқда.

Вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар кўмитаси раиси Шаҳло Ахророванинг айтишича, кейинги йилларда ҳудудларда, жумладан, қишлоқ жойларда хотин-қизлар раҳбарлигида ташкил этилаётган гўзаллик салонлари, тикувчилик цехлари аҳолига ҳар томонлама қулайлик яратмоқда.

Гап шундаки, ўтган йили банкнинг аёллар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга 26,1 миллиард сўм миқдорда маблағ йўналтириши ҳисобига 17 мингдан зиёд янги иш ўринлари ташкил этилган бўлса, Ижтимоий ташаббусларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси билан ҳамкорликда манзилли қўллаб-қувватлаш лойиҳасининг амалга оширилиши натижасида 467 нафар аёл тадбиркорга бошланғич сармояни шакллантириш ва бизнесни ривожлантириш учун 1,6 миллиард сўмлик микрокредитлар берилди. Бу борадаги ишлар кўламини кенгайтириш мақсадида эса “Шарқ аёли” халқаро аёллар жамғармаси ва “Аёллар кенгаши” республика жамоат бирлашмаси билан ҳам мустақкам алоқа йўлга қўйилган.

Бундан ташқари, банк томонидан касб-хунар коллежлари битирувчиларига “Бошланғич сармоя” сертификатлари топширилмоқда. 2010 йилда, масалан, 1 минг 546 нафар битирувчи 3,6 миллиард сўмлик шундай сертификатлар берилди. Ёш тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш учун ажратилган маблағлар миқдори эса 21,7 миллиард сўмга етди.

Банкнинг бошқа тегишли ташкилотлар билан “Кўли гулдири ўзбек аёли...”, “Ёш тадбиркор — юртга мададкор” сингари қурик-танловларни ташкил этаётгани ҳам шундай ҳамкорликлар самарасидир.

«Йилнинг энг яхши банки»

Банк жамоасининг бу каби саяё-ҳаракатлари халқаро миқёсда ҳам муносиб баҳоланмоқда. Хусусан, 2010 йил якунларига кўра, “Микрокредитбанк” Италиядаги “Mikro-FinanzaRating” компания-

сининг дунё бўйича қабул қилинган “SBV” меъёрларига мувофиқ, “Амалда ўз мақсад ва вазифаларини рўёбга чиқариш ва зиммасига юклатилган ижтимоий вазифаларни самарали бажариш борасида етарли қobili-ятга эга, ўз ижтимоий мақсадларига эришиш эҳтимолиги юқори бўлган банк” деган ижтимоий рейтингга сазовор бўлди.

Айни чоғда банк жаҳоннинг йирик молиявий ташкилотлари — Жаҳон банки ва Бирлашган Миллатлар Ташкилоти кредит линиялари грантларини Ўзбекистон Республикасида кичик бизнесни қўллаб-қувватлашга жалб этмоқда.

Шу билан бирга, “Микрокредитбанк”нинг истиқболни кўзлаб амалга ошираётган ишлари, Бутунжаҳон микромолиявий ташкилотларининг ахборот алмашинуви — “MIX-MARKET” агентлиги ҳисобига кўра, Марказий Осиё ва Европадаги микрокредитлар бериш йўналишида дунёнинг энг яхши 100 та банки қаторига киритилиб, 5 олмосли микромолиявий хизматлар кўрсатувчи банк сифатида иккинчи бор эътироф этилди.

Банкнинг “Осиё банкирлари уюшмаси” аъзолигига қабул қилингани, Халқаро “Fitch Ratings” агентлигининг узоқ ва қисқа муддатли кредитга лаёқатлилиги рейтингларини “В” “Барқарор” даражасига кўтаргани, Лондон шаҳрида дунёнинг 140 дан ортиқ етакчи банкларининг вакиллари иштирокида “The Banker” журналининг “Bank of The Year Awards — 2010” тақдирот маросимида “Financial Times” компанияси томонидан “2010 йилда Ўзбекистоннинг энг яхши банки” номинацияси бўйича ғолиб деб топилгани ҳам алоҳида таъкидламоқ жоиз.

Дарҳақиқат, “Микрокредитбанк” бугунги кунда нафақат республикаимизда, балки халқаро миқёсда ҳам ишончли микромолиявий муассаса сифатида ўз ўрни ва нуфузига эга бўлиб бормоқда.

Президентимиз Ислам Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йилда мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва 2011 йилга мўлжалланган энг муҳим устувор йўналишларга бағишланган мажлисидаги маърузасида “...энг катта ютуғимиз ялпи ички маҳсулот таркибида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликнинг улуши кўпайгани ҳамда мамлакатимиз иқтисодий ривожлантиришида унинг роли сезиларли даражада ошганига намён бўлмоқда”, дея алоҳида таъкидлади.

“Микрокредитбанк” жамоаси бундан кейин ҳам кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаган ҳолда, ўзининг маблағлари ҳамда хизматлари орқали ҳар бир хонадонга кириб боришга ҳаракат қилиб, “Микрокредитбанк” сармоялари — тадбиркорлик, бунёдкорлик ва тараққёт хизматида!” деган широрга ҳамиса содиқ бўлиб қолавереди.

Банк матбуот хизмати. [1]



Ишлаб чиқаришга — замонавий дастгоҳлар

Кичик бизнесни минитехнология ва ихчам ускуналар билан таъминлашда аънанавий тарзда ўтказилиб келинаётган “Uzbekistan Agrominitch Ехро” халқаро кўргазма-

автоматик тарзда бажаради, — дейди корхона раҳбари Жаҳонгир Йўлчиев. — Айни пайтда олти турдаги маҳсулотни ишлаб чиқараёпмиз. Ҳозир корхонаимизда 10 киши меҳнат қилаётган бўлса, келгусида яна қўшимча иш ўринлари яратиш ниятидамиз. Асакалик тадбиркор Ба-



савдосининг ҳиссаси катталиги ҳаммага аён. “Микрокредитбанк” ушбу нуфузли тадбирда фаол иштирок этиб, мижозлари томонидан имзоланган истиқболли лойиҳаларни молиялаштирмоқда. Хусусан, 2010 йилнинг сўми маблағ эвазига 44 та мижозга микролизинг хизматлари кўрсатилди. Бунинг учун 3,5 миллиард сўм миқдорда сармоя ажратилди.

Кейинги йилларда банкнинг лизинг хизматлари ҳудудий филиаллар томонидан кенг қўлланилаётгани ҳам диққатга сазовордир. Мисол учун, Зангиота туманидаги “Бах жаҳон агро” фермер хўжалигига банк филиали томонидан 41,5 миллион сўмлик микролизинг хизмати кўрсатилганидан сўнг бу ерда мева ва сабзавотларни қайта ишлаш ўзлаштирилди. Ихчам, чиройли идишларда қадоқлаиб, сотувга чиқарилаётган қуруқ олма, сабзи, пиёз, карам сингари маҳсулотлар-

Ҳамкорликнинг амалий самараси

Банкнинг аёл тадбиркорлар ва ёшлар билан ҳамкорлик ўрнатгани ҳам ўз натижасини кўрсатмоқда. Жиззах вилоятидаги “Янги-



Олот туманининг Асажам маҳалласида Норсултон ая деган аёл яшайди. Бутун умри меҳнатда ўтган, очикқўнғил бу аёлнинг Наврўзга меҳри бўлакча. Яқинда у ҳовлисида "Сумалак сайли" уюштирди. Дастурхонга Наврўзнинг шох таоми сумалак, баҳорнинг тансиқ неъматларидан кўк сомса, ҳалиму ҳалво тортилди.

КЎЗЛАРДА ҚУВОНЧ, ҚАЛБЛАРДА СУРУР



унинг бугун меҳнат, баҳор, тинчлик, аҳиллик, меҳр-оқибат байрами сифатида кенг нишонланаётгани мамнуният билан эътироф этилди. Шундан сўнг коллеж ўқувчилари ижросида театрлаштирилган концерт дастури ҳамда миллий либослар кўрғазмаси намойиш қилинди.

Тадбир доирасида коллеж ёшларининг 84 ёшли табарруқ онахон — Қурбонгул Яшиева билан учрашуви ҳам бўлиб ўтди. Момо ўзининг дил сўзини изҳор қилар экан, бугунги ёшларнинг ўқиб билим олишлари, касб-хунар эгаллаш-

Наврўз нафаси

лари, санъат ва спорт билан шуғулланишлари учун юксак шарт-шароитлар яратиш берилмаётганидан қувончи чексиз эканлигини билдирди. Қурбонгул ая ўз тажрибасидан келиб чиқиб, хунар эгаллаш сирлари ҳақида ҳам тўхталди. Зеро, табарруқ ёшда бўлишига қарамай, онахон ҳали ҳам гилам тўқийди, касб маҳоратини ёшларга ўргатишдан эринмайди.

Наврўз айёми муносабати билан шу каби табдиллар, сайиллар вилоятнинг ҳар бир гўшасида ўтказилмоқда. Байрам дилларга янги орзу-умидлар, қувончу шодликлар улашмоқда.

Истам ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» муҳбири.

КИЧИК БИЗНЕС СУБЪЕКТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Жорий йилнинг 7 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Давлат харидлари тизимини оптималлаштириш ва уларга кичик бизнес субъектларини жалб этишни кенгайтириш тўғрисида"ги қарори қабул қилиниб, унда товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб бериш бўйича давлат буюртмаларини олишга кичик бизнесни жалб этиш кенгайтирилди.

Давлат буюртмалари асосида товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб бериш бўйича ўтказилган тендер ва танлов савдоларида йўл қўйилган ҳар бир қонунбузилишлар юзасидан қуйидаги "Ишонч телефонлари" орқали иш кунларининг 09-00 дан 18-00 гача бўлган вақтида Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бошқармаларига мурожаат этишингиз мумкин:

Худудлар номи	Телефон рақами
Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги	200-50-50
Худудий бошқармалар:	
Қорақалпоғистон Республикаси	222-50-50
Андижон вилояти	222-30-30
Бухоро вилояти	220-20-20
Жиззах вилояти	226-20-20
Қашқадарё вилояти	224-20-20
Навоий вилояти	770-20-20
Наманган вилояти	234-20-20
Самарқанд вилояти	231-20-20
Сурхондарё вилояти	223-10-10
Сирдарё вилояти	235-20-20
Тошкент вилояти	200-60-60
Фарғона вилояти	222-20-20
Хоразм вилояти	223-20-20
Тошкент шаҳри	200-40-40

«ЎЗФАРМСАНОАТ»

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 мартда қарори билан ташкил топиб, давлат буюртмалари асосида товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб бериш бўйича ўтказилган тендер ва танлов савдоларида йўл қўйилган ҳар бир қонунбузилишлар юзасидан қуйидаги "Ишонч телефонлари" орқали иш кунларининг 09-00 дан 18-00 гача бўлган вақтида Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бошқармаларига мурожаат этишингиз мумкин:

Наврўз нафаси

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 мартда қарори билан ташкил топиб, давлат буюртмалари асосида товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб бериш бўйича ўтказилган тендер ва танлов савдоларида йўл қўйилган ҳар бир қонунбузилишлар юзасидан қуйидаги "Ишонч телефонлари" орқали иш кунларининг 09-00 дан 18-00 гача бўлган вақтида Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бошқармаларига мурожаат этишингиз мумкин:

АСАЖАМ Банк

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 9 мартда қарори билан ташкил топиб, давлат буюртмалари асосида товарларни (ишларни, хизматларни) етказиб бериш бўйича ўтказилган тендер ва танлов савдоларида йўл қўйилган ҳар бир қонунбузилишлар юзасидан қуйидаги "Ишонч телефонлари" орқали иш кунларининг 09-00 дан 18-00 гача бўлган вақтида Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси ва унинг ҳудудий бошқармаларига мурожаат этишингиз мумкин:

Тазквондчиларимиз совриндорлар сафида

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга қаратилаётган юксак эътибор туфайли йигит-қизларимиз қатор халқаро турнирлар, кўта ҳамда жаҳон чемпионатларида муносиб иштирок этиб, ҳеч кимдан кам эмасликларини амалда исботламоқдалар.

Хушхабар

Жумладан, яқинда Германиянинг Гамбург шаҳрида тазквондо(WTF)нинг "кёруги" йўналиши бўйича ўтказилган анъанавий "Германия-оупен" халқаро очик чемпионатда ҳам вакилларимиз совриндорлар қаторидан жой олишди. Нуфузли мусобақада 60 дан ортиқ

қилди. Улардан Дмитрий Ким (74 кг.) ҳамда Акмал Эргашев (87 килограммдан юқори бўлган вазн тоифасида) учинчи ўринни эгаллаб, бронза медаллари соҳиби бўлишди. Айтиш ўтиш жоизки, мазкур турнир тазквондчиларимиз учун шу йилнинг 1-7 май кунлари Жанубий Кореяда ташкиллаштирилган жаҳон чемпионати олдидан ўзинг хос тайёргарлик вазифини ўтаб берди.

Ш. ОРТИҚОВ тайёрлади.

ОБ-ҲАВО (18 март)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Кечаси 3 даража совуқ билан 2 даража илқ атрофида, кундузи 8-13 даража илқ бўлади.

Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари. Ёгингарчилик қутилмайди. Ҳарорат тунда 2 даража совуқ билан 3 даража илқ ўртасида, кундузи 10-15 даража илқ бўлади.

Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик қутилмайди. Кечаси 3 даража совуқ билан 3 даража илқ атрофида, кундузи 8-13 даража илқ бўлади.

Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари. Ёгингарчилик бўлмайди. Кечаси 0-5 даража, кундузи 10-15 даража илқ бўлади.

Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари. Ҳаво ўзгариб туради, ёгингарчилик қутилмайди. Кечаси 2 даража совуқ билан 3 даража илқ ўртасида, кундузи 7-12 даража илқ бўлади.

Тошкент шаҳри. Ёгингарчилик қутилмайди. Ҳарорат тунда 0-2 даража совуқ, кундузи 10-12 даража илқ бўлади.

«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

ШҮРТАН ГАЗ-КИМЁ МАЖМУАСИ

ЎЗБЕКНЕФТГАЗ - МИЛЛИЙ ХОЛДИНГ КОМПАНИЯСИ
ЎЗНЕФТГАЗКАЗИБЧИҚАРИШ - АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

қуйидаги кимёвий реагентни сотиб олиш юзасидан № 04/11-сонли тендер савдосини эълон қилади:

Лот рақами	Кимёвий реагентлар номи	Миқдори
Лот № 1	Қора рангли 40% бойлтилган «Мастербат» полимер бўёғи	370 тонна

Тендер эълон маълумотида ҳам эълонда келмаган бошқа 30 қўш қўшимча ҳамда.

Тендер шартлари билан танишиш ва маълумотлар олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилиш мумкин:

Шўртан газ-кимё мажмуаси, 180300, Ўзбекистон, Қашқадарё вилояти, Ҳузур тумани, Шўртан кўрғани.
Тел./факс: (+998 75) 780-87-74.
Факс: (+998 75) 221-09-04, 221-09-46.
Электрон почта: dgroup_bg@egcc.uz

“Ўздавнергоназорат” инспекцияси томонидан 2006 йил 9 мартда ЭО (Э) №007-сон билан “Давсувҳужаликназорат” Давлат инспекцияси Эксперт кенгашининг Диагностика марказига энергетика текширувлари ва экспертизаларини ўтказиш учун 5 йил муддатга берилган лицензиянинг амал қилиш муддати тугаганини маълум қилинади.

“O‘zbekiston iqtisodiy axborotnomasi” — “Экономический вестник Узбекистана” журнали тахририяти жамоаси бош муҳаррири Анвархон Сайдахмедовга паёлари бузуқворни САЙДАХМАДХОН отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент фармацевтика институти жамоаси Маънавият ва матрифат бўлими ходими Шамил Бурнаевга волидаи муҳтарамаси Алфина БУРНАЕВАнинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “Yoshlar” телерадиоканали ЁАЖ жамоаси телерадиоканалнинг муҳаррири Уткир Эралиевга паёлари бузуқворли ПЎЛАТ отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Уткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 303. 78776 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоסי келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибиат 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Тахририятга келган кўлемлар тақрир қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғаев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Тижорат материал

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — Ш. Ортиқов. Навбатчи — Ю. Буранов. Мусахҳиҳ — С. Исмолов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.50 Топширилди — 00.30

1 2 3 4 5